

Жиззах туманидаги «Работ» хўжалигининг Нонсангил маҳалласида янги мактаб ишга туширилди.

Баҳорги ёғингарчиликдан сўнг 47-мактабнинг эски биноси бутунлай яроқсиз аҳволга келиб қолди. Янги мактаб қурилиши июн ойида бошланган эди. Исроил Мамаюсов раҳбарлик қилаётган «Мерос» фирмаси қурувчилари 240 ўқувчи таҳсил оладиган мактаб қурилишини ниҳоясига етказди. Айти кунларда мактабда ободонлаштириш ишлари бажарилмоқда.

Мазкур фирма жамоаси Уоб қишлоғида ҳам мактаб қурилишини бошлаб юборди. 210 ўринли ушбу мактаб янги ўқув йили арафасида фойдаланишга топширилади.

(ЎЗА).



# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 21 декабр, шанба №200 (1417)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## БУЮК УКРАИН ШОИРИГА ЭҲТИРОМ



**Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов тақдифига биноан мамлакатимизга келган Украина Республикаси Президенти Леонид Кучма амалий ташрифининг иккинчи кунини пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт-соғломлаштириш мажмуи билан танишувдан бошлади. Юксак мартабали меҳмон жaxon андозаларига тулик жавоб берадиган сув спорти саройи, мухташам теннис кортининг меъморий ечимига, мавжуд қудайликларига юқори баҳо берди.**

**Президентлар украин халқининг атоқли шоири Тарас Шевченкога юксак эҳтиром рамзи сифатида Тошкентда ўрнатилган ҳайкалнинг очилиш маросимида иштирок этди.**

Тантанали маросимни Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдурахмонов очди. Икки мамлакат давлат мадҳиялари янгради. Тошкентда украин халқининг буюк фарзандига ҳайкал қўйилиши бизнинг украин халқига, унинг тарихи ва маданияти, тили ва мустақкам

Унинг «Кобзарь» китобида украин халқининг дошиманглиги, олижаноблиги ва келажакка бўлган юксак ишончи ўз ифодасини топган.


Буюк украин шоирининг ижоди ўзбек халқининг дилига жуда яқин. Унинг машҳур асарлари Хамид Олимжон, Амин Умарий, Ҳасан Пўлат, Мақсуд Шайхзода, Зулфия, Миртемир каби ўткир қалам соҳиблари томонидан ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилинган.

Давлатимиз раҳбари Тарас Шевченко ҳайкалнинг айнан шоир номидаги мактаб ёнида ўрнатилишининг аҳамияти ҳақида гапирар экан, қуйидагиларни алоҳида таъкидлади.

Орадан ўнлаб, юзлаб

йиллар ўтгандан кейин ҳам мана шу ҳайкал ва мактаб халқларимизнинг истиқлол ва озодлик йўлидаги машаққатли курашларидан, Украинанинг 1966 йил Тошкентда рўй берган зилзила оқибатларини бартараф этишда кўрсатган катта ёрдамидан, украин халқининг ўзбек халқи билан елкама-елка қилган меҳнатидан, пойтахтимизни қайта тиклашдаги фаол иштирокидан гувоҳлик бериб тураверади.

Украин халқининг буюк фарзанди Тарас Шевченкога қўйилган ҳайкалнинг тантанали очилиш маросимида иштирок этаётганидан бағоят мамнунман, - деди Леонид Кучма. - Атоқли шоиримизга кўрсатилган бу юксак эҳтиром учун Ўзбе-



кистон халқи ва Президент Ислам Каримовдан миннатдорман.

Икки давлат раҳбарлари шоир ҳайкали пойга гул қўйди. Президентлар шу эрининг ўзиде Ўзбекистонда яшовчи украин миллати вакиллари билан учрашди. Самимий суҳбат чоғида мамлакатимизда украин маданияти ривожига берилаётган улкан эътибор, икки миллат вакилларининг инوқлиги, қардошлиги ҳақида сўз борди.

Леонид Кучма ва Ислам Каримов 110-мактабга ташриф буюрди. Икки давлат раҳбарларини украин ва ўзбек миллий либосидаги болалар анвойи гуллар билан қарши олди. Президентлар мактабнинг компьютер синфида яратилган шароит билан танишиш, ўқувчи ва педагоглар билан суҳбатда бўлди. Замонавий компьютерларда ишлашни кунт билан ўрганаётган ёшлар ўз қизиқишлари, орзулари ҳақида гапирди, украин ва ўзбек тилларида шеърлар ўқиди.

Шу билан Украина Республикаси Президентининг Ўзбекистонга амалий ташрифи ниҳоясига етди. Юксак мартабали меҳмонни Тошкент аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кузатиб қолди.

Озод РАҲАБОВ, ЎЗА мухбири.

## ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ АТРОФИДА

Тошкент вилояти шаҳар ва қишлоқларида янги - 2003 йилни қутиб олишга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Вилоят ҳокимлиги болаларга катта байрам совғаси тайёрлаб қўйди. 29 декабр кунини Янгийўлдаги «Мадина» ресторанига ўрнатиладиган «Президент арчаси» атрофида 400 нафар ўғил-қиз байрамни нишонлайди. Шаҳар ва туманларда ҳам шу кунини ана шундай Янги йил базми ўтказилади.

Болажонларга аталган Янги йил совғаларимизни хозирданок тайёрлаб қўйди, - дейди вилоят касаба уюшмалари кенгаши раисининг ўринбосари Рустам Турдалиев. - Бунинг учун кенгашимиз ҳисобидан 1 миллион 416 минг сўм маблағ ажратилди. Байрам арафасида Қорбобо ва Қорқиз вилоятда фаолият кўрсатаётган учта «Меҳрибонлик» уйида бўлиб, тарбияланувчиларни бирма-бир қутлайди, ажойиб совғалар улашади.

(ЎЗА).

## НУРЧИЛАР АҲДИ

Навоий электр тармоқлари шўба корхонаси жамоаси виллоятдаги барча саноат корхоналари, қишлоқ хўжалиги тармоқлари ва аҳолини электр энергияси билан узлуксиз таъминлаб келмоқда. Истеъмолчиларга йил давомида 25 миллиард, аҳолига эса 1,4 миллиард сўмлик

электр энергияси етказиб берилди. Навоий шаҳридаги Исоқлик электр энергияси станцияси жамоаси ҳам кириб келаятган янги йилни ёрғуз билан қутиб олмақда. Корхона тўхтовсиз ишлаб турибди. Ускуналарни ямгилаш, монтаж ва таъмирлаш ишларига қарийб бир миллиард сўмлик

сарфланди. Корхона «Навоийазот» ҳиссадорлик жамияти, «Кизилқумцемент», «Навоий кимё заводи» каби саноат гигантлари ва аҳоли эҳтиёжини қоплайдиган даражада электр ва иссиқлик манбаи етказиб бермоқда.

(ЎЗА).

## Бандлик дастури амалда

## ЯНГИЙЎЛДА БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ

Янгийўл шаҳар Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимида жорий йилда бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, 10 ой давомида 575 нафар киши ишга жойлаштирилди. 21 нафар фуқаро касб малакасини оширишга юборилди. Бундан ташқари, 300 нафарга яқин фуқаро қўзғалган иш билан таъминланди. Ёлғиз, боқувчисини йўқотган, ногиронлар алоҳида ижтимоий ҳимояга олинди, нафақа тайинланди. Турли олийғош ва ўқув ортларини битириб, иш топишда муаммога дуч келган 154 нафар ёш йигит-қизга ҳам зарур кўмак берилди.

Шуни айтиб ўтиш зарурки, жорий йилда 1176 та бўш иш жойлари ташкил этилди. Бўлим янги иш ўринларини вужудга келтиришда кичик ва ўрта бизнес субъектлари билан ҳам ҳамкорликда ишламоқда. Бунинг натижасида яқка тартибда 732 та, кичик фирма ва хусусий корхоналарда эса 444 та янги иш ўринлари аниқланди. Меҳнат бўлимига мuddатли жазони ўтаб қайтган 81 нафар фуқаро иш сўраб мурожаат қилган. Шундан 26 нафари иш билан таъминланди. Қолганларига 1794 минг сўм микдорда моддий ёрдам кўрсатилди.

Корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги бўйича қонунларни бажарилишини назорат қилиниши юзасидан ҳам бирталай ишлар амалга оширилди. Масалан, «Тараққиёт» фирмасида меҳнатни му-

ҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги меъёрларини бузилиши бўйича 24 та ҳолат аниқланиб, уларни бартараф этиш учун ёзма ва озғак кўрсатмалар берилди.

Жорий йилда шаҳардаги 6 та корхона ва муассасаларда ўтказилган текширишлар якунига кўра, 171 та қонунбузарликлар маълум бўлди, - дейди меҳнат бўлими техник нозир А.Нигматжонов. - Ушбу йўл қўйилган камчиликлар устидан назорат ишлари олиб борилиб, шундан 107 та ҳолат бўйича муаммолар ижобий ҳал этилди. Қонунбузарликка йўл қўйган масъул ходимларга жами 57 минг 185 сўм жарима солинди. Меҳнат даргоҳларидаги зарарли иш ўринларини аттестациядан ўтказиш бўйича ҳам яхши натижаларга эришилди. Шунга кўра, «Росси» қўшма корхонасида 20 та, «Зуқко» хусусий фирмасида 5 та иш ўринлари аттестациядан ўтказилди. Шаҳардаги жами 16 та корхонада иш жойлари қайта қўриб чиқилди. Афсуски, баъзи ташкилотларда молиявий етишмовчиликлар, асбоб-ускуналар ҳамда эҳтиёт қисмларининг танқислиги туфайли текширув ўтказилмади. Бундан ташқари, корхона ва муассасаларда ишчи-хизматчиларни меҳнат ва дам олишини намунали йўлга қўйиш, аёллар ва ўсмирларга қонунда белгиланган тартибдаги имтиёзларни бериш бўйича жамоа ва меҳнат шартномаларига қўшимча бўлимлар қиритилиши тўғрисида корхоналарда тушунтириш ишлари олиб борилди.

О.ЭРГАШЕВ, «Ишонч» мухбири.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонун ижросини таъминлаш юзасидан ўтказилган текширувлар натижалари муҳокама қилинди.

Таъкидландики, суд ижрочилари ҳамда бошқа ижро идоралари томонидан мазкур Қонун ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, бу борада камчиликларга йўл қўйилмаётгани

туфайли фуқаролар, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларига жиддий зиён етказилган ҳолатлар бор.

Ижро ҳужжатлари суд, ички ишлар, солиқ, божхона ва бошқа органлар томонидан ижро учун қонунда белгиланган мuddатларда юборилмай қолмоқда. Баъзан эса ҳужжатларнинг тайёрланиш сифати ва савияси талабга жавоб бермайди. Оқибатда улар ижро этилмасдан қайтарилб юборилмоқда. Натижада, давлат, юридик ва jisмоний шахсларнинг манфаатлари бузилишига йўл қўйилмоқда.

Масалан, Қашқадарё вилоятидаги банklar томонидан жорий йилнинг 9 ойи давомида бошқа органларнинг 33,1 миллиард сўмлик бир минг 345 ижро ҳужжатидан 167 миллион сўмлик, хўжалик судларининг 24 миллион сўмлик 453 ижро ҳужжатидан атиги 13,0 миллион сўмлик ижро бажарилган.

Бундай қонун бузилишларига «Асакабанк», Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Пахтабанк»нинг худудлардаги бўлимлари ҳам йўл қўйгани аниқланди. Ундирувни қарздорнинг мол-мул-

кига қаратиш, уни хатлаш ва реализация қилишда ҳам қонун бузилишларига йўл қўйилмоқда.

Йиғилишда текширувлар давомида прокуратура органлари томонидан аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича жиноят иши қўзғатишга бўлган зарур чоралар қўрилгани айтилди.

Ушбу соҳада қонун бузилишларининг олдини олиш ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Бехзод НОРБОВ, ЎЗА мухбири.

## Тадбиркорлик- давр талаби

## ШОВОТДА ШИША ЗАВОДИ

Шу йилнинг май ойи ўрталарида маҳсулот бера бошлаган Шовот тумани «Дўстлик» ширкат хўжалигинидаги шиша заводида ҳозирги кунда 130 нафарга яқин «Ижтимоият» қишлоғи ёшлари доимий ишчи ўринларига эга бўлишди.

Ушбу заводда қисқа фурсат ичида 30 турга яқин шиша идишлари ишлаб чиқаришга эришилди. Бу ерда бир кунда 40 минг донадан ортик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Ишчилар учун сартарошхона, пойабзал тузатиш устанонаси қуриб ишга туширилди. Бепул тушлик йўлга қўйилган. Завод ишчиларининг ўртача ойлик иш ҳақлари ҳозирча 25-30 минг сўмни ташкил этмоқда. Айниқса, заводнинг хўжаликдаги ўқув муассасалари, боғча, қишлоқ тиббиёт амбулаториясини таъмирлаш ва керакли асбоблар билан таъминлашда кўрсатаётган ёрдамлари катта бўлмоқда.

Ҳар қандай хайрли ишнинг бошланишида ўзига яраша муаммолар бўлгани каби, бу ерда ҳам асосий қийинчиликлардан бири хомашёни узққдан олиб келинаётганлигидир. Жумладан, шиша идиш-

лар ишлаб чиқаришда лозим бўлган чакмоқтош қум Қозғистон республикасининг Ақтобени вилоятидан, сода Бошқирдистоннинг Уфа шаҳридан келтирилади.

Бизга енгиллик томонларидан бири шуки, корхонамизнинг ишончли ҳамкори бор, - дейди биз билан бўлган суҳбатда унинг раҳбари Фахриддин Қурбонбоев. - Тошкентдаги «Силжинок» сервис шўба корхонаси хом ашё билан таъминлаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сотиш ишларини бажаришда яқиндан ёрдам кўрсатиб келмоқда. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотимизнинг сифатлилиги, унинг харидорлигини оширишда. Шу боис ҳозирги кунда кўплаб буюртмалар қабул қилинмоқда.

Одилбек Матқонов, Инобат Матмуродова, Қудрат Қурбонов, Махсуд Раҳимов сингари ёшлар Ереван шаҳрининг ойна заводидан келган мутахассислардан қисқа фурсатда касб сир-асрорларини пухта эгаллаб олишди.

Болтабой ЭРНАФАСОВ, «Ишонч» мухбири.

**Тахририятга Қашқадарё вилояти Камашу тумани Қорангул қишлоғида яшовчи Турсунпўлат Қўйлиев ва Шермурот Аҳатовлардан шикоят хати келди. Мақтубда қишлоқ фуқаролар йиғини тасарруфидаги Чангак маҳалла қўмитаси қотиби Шерали Бозоров аҳоли кам таъминланган қатлами ва ёш болалар учун ажратилган маблағларни ўзларининг танишбиллишларига тарқатаётганлиги баён қилинган.**

Ҳақиқий аҳволни ўрганиш мақсадида қиш кунларининг бирида шикоятчилар яшаётган масканга йўл олди. Қишлоқ туман марказидан қирқ чақирим олинди, тоғ доvonлари орасида жойлашган. Хавонин доим туман қоплагани, устма-уст қор ва ёмғир ёғиб турганлиги учун автотранспортда юриш мушкул, кўпинча отда борилади.

Чангак маҳалла фуқаролар йиғини тасарруфида Оқдахаона, Коркуз, Чангак, Калтапой, Қорангул, Довуд қишлоқлари бор.

Мураккаб шароитли худудда 1050 хўжалик яшайди, - дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Файрат

тиқ оила 16 ёшгача, 180 таси 2 ёшгача вояга етмаган болалари учун нафақа олади. 18 та кам таъминланган оила бундай имтиёздан баҳраманд. Нафақалар тузилган нуфузли комиссия тақдимномаси асосида

Мустафоев. - Қўлимиздан келганича аҳоли тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, моддий фаровонлигини ошириш чора-тадбирларини кўраямиз. Туман молия бўлими тафтишчиси Дўстқобил Раззоқов ҳамроҳлигида қишлоқ ҳаёти билан танишдик. Ҳукумат томонидан берилган имтиёзларга мувофиқ 300 дан ор-

тарошхона, тегирмон, жури воз, ёнилғи қуйиш шохобчаси хизмат кўрсатапти. Тўғри, тоғ қишлоқларининг ўзига яраша муаммолари мавжуд. «Лангар» жамоа ширкат хўжалиги лалмикор деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғул-

ланади. Ёрдамчи корхоналар камлиги ишсизликни келтириб чиқарган. Аҳолининг 40 фоизи мавсумий юмушлар билан банд. Туман ҳокимлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлар янги иш ўринлари яратиш дастурини ишлаб чиққан. Энди бу тадбирларни амалга ошириш юзасидан ҳаракатлар кетаяпти. Хатга имзо чеккан Қо-

рангул қишлоғининг обрўли қарияларидан бири Турсунпўлат Ота Қўйлиев 73 ёшда. Иккинчиси Шермурот Аҳатов энди 35 га кирди. Қизиги шундаки, уларнинг иккаласи ҳам «Ишонч» газетасига хат ёзмаганликларини айтишди. Т.Қўйлиев ва Ш.Аҳатовларнинг тушунтириш хатлари билан тахририятга йўлланган мақтубдаги ёзувлар солиштириб кўрилганда, бир-бирига мутлақо ўхшамади. Текширишда шикоятни бир гуруҳ туҳматчилар ёзганлиги аниқланди.

Илтимоc, бу ёғини ўзимизга қўйиб беринг. Ўзига билан шуғулланаётган, маҳалламиз табарруқ номига доғ тушираётган кимсаларнинг кўзини мошдек очамиз. Бу иш биз-тоғликларнинг қўлидан келади, - дейди маҳалла қўмитаси раиси.

Тақлиф маъқул тушди. Иzzат ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

## СУВНИ ЛОЙҚАЛАТГАН КИМ? ёки ўзгалар номидан сохта шикоят ёзаётганлар хусусида



Ижтимоий ҳимоя

# МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИДА 153 йигит - қиз ишга жойлашди

Шу кун Қарши шаҳридаги болалар ва истироҳат боғи ҳар галгидан гавжум бўлди. Бу ерда шаҳар ҳокимлиги меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими ташаббуси билан бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.

Чиндан-да, шаҳарда 62 та маҳалла фуқаролар йиғинлари мавжуд бўлиб, ёшлар ҳамма жойда ҳам тўлиқ иш билан таъминланмаган. Шунинг эътиборига олинган ҳолда маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар кўмитаси вакиллари билан бирга маҳалла посбонларини тақлиф этди. Тадбирда асосан вояга етма-

ган ёшлар, жазо муддатини ўтаб келган фуқаролар ҳамда вақтинчалик иш билан банд бўлмаганлар қатнашди.

17 нафар ёшлар шаҳардаги «Қарлуқбоғот», «Шайхали», «Ойдин» ҳамда «Пахтазор-1» маҳаллаларига касб тайёрларлиги бўйича ўқишга йўналтирилди. Улар қисқа муддатда малакали мутахассислар ёрдамида зардўзлик, тикувчилик, каштачилик, сартарош-

лик, тунукасолик сингари касбларни эгалладилар. Шаҳар капитал қурилиш жамоа корхонаси, хўжалик ҳисобидеги қурилиш-таъмирлаш идораси, Қарши пахта тозалаш очик ҳиссадорлик жамияти, Маданият коллежи сингари ташкилотлар ярмаркада фаол иштирок этиб, ёшларни ўз жамоаларига қабул қилдилар.

Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» мухбири. Суратларда: меҳнат ярмаркасида.

## ОБОД ҚИШЛОҚНИНГ ОБОД ГУЗАРЛАРИ

Данғара туманида яқинда фойдаланишга топширилган Найманча қишлоқ гузари бугун ҳар қачонгидан гавжум. Ҳамқишлоқлар, тадбиркор ва ишбилармонлар саяҳаракати билан қуриб бунгазилган гузарда кўнгилли дам олиши ва керакли маҳсулотлар харид қилиши учун барча шароит яратилди. Ёпиқ бозор, миллий мейморлик андозалари асосида қурилган 50 ўринли чойхона, савдо дўкони ва майший хизмат кўрсатиш шохобчалари шулар жумласидан.

Айни пайтда туманда «Соғломлаштириш маркази», Фарғона-Тошкент автомобиль йўли ёқасида нон ва қовун бозори, «Мулқобод» ширкат хўжалигида миллий чойхона ишлаб турибди. «Сирдарё» ширкат хўжалиги ҳудудида эса маҳалла гузари қурилиши бошланган. Эътиборли томони, келгуси йил Обод маҳалла йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан бу борада бошланган ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишларини янги йилдан ҳар бир фуқаролар йиғини ва қишлоқларда давом эттириш режалаштирилмоқда.

Фуқаролар йиғинимиз ҳудудида 22 миң киши истиқомат қилади, - дейди «Окжар» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Шавкатхон Худойкулов. - Аҳолининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги юмушлари билан банд. Қолаверса, қишлоқларимиз туман марказидан анча олисда жойлашгани боис шу ернинг ўзида уларнинг қўндалик эҳтиёжи учун зарур шароитларни яратиш беришга ҳаракат қилияпиз.

## Жамоа шартномаси қандай бажарилмоқда?

Жамоамиз туман sanoat, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва аҳолини ўзлуксиз электр энергияси билан таъминлашга хизмат қилади. Утган давр ичида истеъмолчиларга белгиланган электр қуввати ўз вақтида етказиб берилди. Бу жамоамизнинг ахил, ҳамжихат бўлиб меҳнат қилиши натижасидир.

# Тўй ХАРАЖАТИ мадад фондидан

2002-2003 йилларнинг куз ва қиш мавсумида электр тармоқлари кўнгилдагидек ишлаши, жиҳозларни ва биноларни тайёрлаш ишлари олдимизга долзарб вазифа қилиб қўйилган эди. 50 нафар ишчи-хизматчиларимиз бу ишларни талаблар даражасида олиб борди. Шуниси эътиборга лойиқки, корхонамизда ўнга яқин миллат ва элат вакиллари баҳамжихат меҳнат қилишди. Жамоа шартномаси орқали ходимларнинг меҳнат қилиши, дам олиши ва спорт билан шуғулланиши учун шарт-шароитлар яратилган. Хусусан, уларнинг спорт билан шуғулланиши учун соғломлаштириш жаммуаси ишлаб турибди. Бу ерда тез-тез спорт мусобақалари ўтказиб турилади. Югуриш, теннис, волейбол, баскетбол каби спорт турлари бўйича жамоамиз вилоят миқёсида ўтказилган мусобақалар-

да фаол иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаб келмоқда. Корхонада ўртача ойлик маош 35-40 миң сўмни ташкил этгани ҳолда, ўз вақтида бериб берилмоқда. Ишловчилар 10-15 миң сўм атрофида муқофот пули ҳам олиб туришади. Жорий йилда 5



нафар ишчимиз «Товоқсой» ва «Гагарин» сихатгоҳларида имтиёзли йўлланмалар билан даволаниб чиқишди. «Нуроний», «Маҳалла» жамғармаларининг туман бўлими ҳисоб рақамига ҳар йили имкон даражасида маблағ ўтказиб келяпмиз. Туман ҳудудида истиқомат қилаётган 3 нафар ногиронни корхона оталиғига олган.

Корхонада «Мадад» фонди ташкил этганмиз. Тўй-маъракалар, уй-жой қурилишга кўмакчи ана шу жамғармадан бериб бораёямиз.

Абдишуккур ДАДАЕВ, Мирзачўл тумани электр тармоқлари шўба корхонаси касаба уюшма кўмитаси раиси.

## АСАКА БОЗОРИДАГИ ҚУЛАЙЛИКЛАР

Асака шаҳрида жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган янги универсал бозор фойдаланишга топширилди. Миллий мейморлик андозалари асосида қад ростлаган савдо жаммуасида деҳқонлар, тадбиркор-ишбилармонлар ва харидорлар учун барча шарт-шароит яратилган.

Салкам тўрт гектарли бозорда 650 та ёпиқ савдо ўрни мавжуд. Бу эса ҳар қандай об-ҳаво шароитида сотувчи ва харидорларга қўлбай қулайликлар туғдиради. Шунингдек, бу ерда 132 та савдо дўкони, 8 та ошхона, 30 ўринли замонавий меҳмонхона, юк сақлаш омбори, автомобиль тўхташ жойлари қурилди. Бу ишлар учун икки миллиард сўмликдан ортиқ маблағ сарфланди.

Эски деҳқон бозори шаҳар марказидан олисда жойлашгани боис сотувчи ва харидорлар учун ноқулай эди, - дейди Асака шаҳар универсал бозор акционерлик жамияти бошқаруви раиси Юсуфжон Акбаров. - Бунинг устига, катта автомобил йўли билан тутшиб кетган бўлиб, машиналар қатновига халақит беради. Янги универсал бозорнинг ҳудудий жойлашувида ана шу муаммоларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилди. Энг муҳими, бозорга келган харидор ўз эҳтиёжи учун зарур нарсаларнинг барчасини шунинг ўзидан топади.

(ЎЗА).

## Касаба уюшма етакчилари ҳақида ҳикоялар

тўғри хулоса чиқарди. Ширкат бошқаруви раиси Рустамбек Жўраев билан гапни мухтасар қилди. Ишчи кучи, уларга ҳаллани газлаштириш ҳақидаги тақлифни маъқуллади. Уринбосарларидан бирига газлаштириш билан боғлиқ лойиҳалаш-

цех ташкилоти, 600 нафардан зиёд аъзо уюшган. Аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясига оид юмуш ушбу ташкилот сиз битмайди.

— Ҳозирда Ойбек номи ширкат хўжалиги бошқаруви ва касабакўм рақислигини қўшиб олиб боқиб қўйилганида, ҳокимликдан фарғоналик газчилардан рухсат олинганлик ҳақидаги хушхабар келди. Халқимизда бир одам ариқ қазийди, миңг одам сув ичади, деган мақол бор. Бугун «Чилонзор», унга қўшни Тожикмаҳалла аҳолиси «зангори олов»дан баҳраманд. Қора ўққдан қутилиб уйларига файзу-тароват кирган ҳам қишлоқларнинг қувончлари бир олам. Ҳа, касабакўмнинг жамоа орасида ўз ўрни, нуллион сўмлик дивидент

# ҚАЛЬ ЁЛҚИНИ

ни маҳтал қилмади. Ёрдამчилар эртасигаёқ кўмакка етиб келди. Хуллас, хонадон деворлари пардоздан чиқарилган, қайта таъмирланган уйга кўчиб ўтди.

Касабақўмнинг бундай савобни юмушларидан яна бири «Чилонзор» маҳалласини газлаштириш бўлди. Жамоа шартномасининг ижросига бағишланган цех ташкилотлари йиғилишини Холмуҳаммад ҳозиргача эслаб юради. Унда фаоллардан бири сўз олиб, касабакўмни маҳаллани газлаштиришдаги сустанкашиги учун нордон сўзлар билан «узибузи» олганди. Холмуҳаммад ҳақли танқиддан

маош тўлаш муаммоларини хал этиш раис зиммасига оладиган бўлди. Таъмирловчиларга меҳнат ва маиший шарт-шароитни ташкил қилишни касабакўм гарданига олди. Аммо асосий жумбоқ — газ тармоғини маҳаллага улаш масаласи уларнинг бошини қотира бошлади. Негаки, қишлоқдан ўтган газ трассаси Фарғона вилоят газлаштириш бошқармасига тегишли бўлиб, рухсатни у ердаги мутасадди ташкилотлардан олиш зарур эди. Холмуҳаммад билан Рустамбек масалани хал этиш мақсадида Булоқбўши тумани ҳокими Муталибжон Халилов хузурига йўл олдилар. Ҳоким ма-

# РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИК: ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР

Вазирлар Маҳкамасининг «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарориди соғлиқни сақлаш муассасалари зиммасига қишлоқ жойларда хизмат кўрсатишни яхшилаш, оилаларда тиббий маданиятни ошириш, она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш масалаларида маслаҳатлар бериш бўйича ишларни кучайтириш вазифаси юклатилган.

Олот табиий иқлим шароити мураккаб туманлардан бири. Туманда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат Дастурига асосан босқичма-босқич амалга ошириладиган ишлар режаси тузиб чиқилган.

1998-2005 йилларга мўлжалланган дастурда аҳоли саломатлигини сақлаш ва уни яхшилаш, соғлом авлодни тарбиялаш, фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқларига риоя қилиш, уларнинг барча тиббий хизмат турларидан баҳраманд бўлиши, оналар ва болалар соғлигини муҳофа-

## Мухбир нуқтаи назари

залашнинг аниқ йўналишлари белгиланган. Туманда 14 миллион 308 миң сўм қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилиб, шошилиш ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам қўрсатиш маркази ишга туширилди. Мажмуада фунгиционал ташхис қўйиш, лаборатория таҳлили, аёлларга шошилиш ёрдам кўрсатиш учун гинекологик кичик жарроҳлик хоналари ишлаб турибди. Бундан ташқари, аҳолига 22 та қишлоқ врачлик пункти хизмат кўрсатаёпти. «Гулистон» фуқаролар йиғини ҳудудида қишлоқ ҳақимлик маскани қуришга киришилди.

Соғлом авлодни шакллантириш эътиборда турибди. Хусусан, 20 миң нафарга яқин туғиш ёшидаги аёллар, 25 миң нафардан зиёд 14 ёшгача бўлган болалар тиббий кўрикдан ўтказилди.

Шунга қарамадан, аҳолининг репродуктив соғлиғи вилоят кўрсаткичларидан орқада қолмоқда. Оилаларнинг тиббий маданияти даражасини ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уларни тарбиялашга қаратилган тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмаёпти.

Мақтаб ёшидаги болалар текширишдан ўтказилганда, уларда камқонлик, тишлар емирилиши ва бошқа касалликлар, жисмоний ривожланишнинг орқада қолиши каби етишмовчиликлар аниқланди. Марказий шифохона бош врач О.Жуманёзовнинг маълум қилишича, касалхонанинг айрим бўлимлари тўлиқ ишламаганлиги учун йилнинг ўтган ойларида шифо ўрин кўнларининг бажарилиши 89 фоизни ташкил этди, холос.

Мавжуд 21 та санитар машинасида 8 таси ишлаб турибди. Қолганлари эскириб, яроқсиз ҳолга келган. Йил бошида болалар ва ички касалликлар бўлими иссиқлик тизими бўлмаганлиги учун вақтинча ишламаган. Аёлларни туғруққа тайёрлаш бўлимида таъмирлаш ишлари олиб борилаётганлиги боис, у анча вақт фаолият кўрсатмади.

Туманда 15-17 ёшдаги 6122 нафар ўсмир бор. Уларни никоҳ ёшига тайёрлаш учун ҳали кўп иш қилиниши керак. Бунинг учун уларга хизмат кўрсатаётган 21 нафар болалар ҳақимлари, 21 нафар акушер-гинекологларнинг масъулиятини ошириш керак.

Репродуктив саломатлик маркази ҳақими Эргашой Қурбоновнинг маълум қилишича, акушер-гинекологлардан Дилором Очилова, Мамлакат Каримова, педиатрлар Раъно Неъматова, Иззатулла Исмаилов қабул қилинган оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилишда алоҳида жонқуярлик кўрсатмоқдалар.

Туманнинг аҳоли яшаш жойлари бир-бирдан олисда жойлашган. Шу боис, тиббиёт ходимлари қишлоқларда кўпроқ бўлиб, оналар ва болалар соғлигини доимий назоратга олишлари лозим.

И.ИСОМУДДИНОВ.

## ТАШЛАНДИҚ БИНОДА ЗАМОНАВИЙ ЦЕХ

Шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан «Пойтук» ширкат хўжалигининг фойдаланилмаётган клуб биносини таъмирлаш ва поймабзал цехи ишга туширилди.

Маҳаллий тадбиркор Ҳасанбой Азимов маъмуриятнинг кўмағида клубни таъмирлади ва халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган цех ташкил этиб, 50 нафардан зиёд ёшларни иш билан таъминлади. Улар цехда аҳоли ва харидорларнинг буюртмаси бўйича катталар ҳамда болалар учун турли тикув ва поймабзал маҳсулотларини ишлаб чиқаришмоқда.

Жорий йил бошидан бери маҳаллий тадбиркорларнинг саяҳаракати самараси ўларок Пойтукда 500 та янги ишчи ўрни ташкил этилди. «Туркистон-пресс»

Собиржон РЎЗИМТОВ, «Ишонч» мухбири.

**Саволларингизга ТДЮИнинг Хўжалик ва меҳнат ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси Гулноза САТТОВА жавоб беради**

**САВОЛ: Ёшим 56 да. 30 йилдан бўён болалар ва ўсимлар мактабда тренер ва мураббийлик лавозимида ишлайман. Имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқидан фойдаланишни мумкинми?**

**Р.МУХИДДИНОВ, Гурлан тумани.**

**ЖАВОБ:** «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддаси «к» бандида ўқитувчилар ва бошқа маориф ходимларига белгиланган имтиёзли, муддатидан 5 йил олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқи билан пенсияга чиқаётган ходимларнинг тоифалари, яъни касби, лавозими ва бошқа кўрсаткичлари алоҳида кўрсатиб ўтилган. (Қонуннинг 12-моддаси «к» бандида кўрсатиб ўтилган 3-сонли рўйхат Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли қарори билан тасдиқланган).

Бироқ, ушбу рўйхатнинг VII қисмида Сиз айтиётган тренер ва мураббийлик лавозими назарда тутилмаган.

**САВОЛ: Икки оёғим ҳам тиббий жарроҳлик йўли билан кесиб ташланган. Протез қўйдириш ҳақида маълумот берсангиз.**

**Р.МАДЪЯРОВ, Тошкент шаҳри.**

**ЖАВОБ:** Ҳозирги кунда протезлаш масалалари 1991 йил 18 ноябрдаги «Ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида»ги қонун ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазалаш вазирлигининг 2001 йил 14 декабрда чиққан 177-сон буйруғи билан тасдиқланган. «Муҳтож фуқароларни протез-ортопедик маҳсулотлар билан таъминлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқнома билан тартиб солинади.

Ушбу йўриқноманинг I-бўлимида белгиланганидек протез-ортопедик маҳсулотларга эҳтиёж сезган ҳамда бу борада имтиёзларга эга бўлган фуқаролар бундай маҳсулотлар билан бепул таъминланадилар. Бундай имтиёзларга эга бўлган шахслар тоифасига куйидагилар кирди:

– иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ҳамда уларга тенглаштирил-

ган шахслар;  
– умумий касаллик бўйича ногиронлар;  
– меҳнатда майибланган ногиронлар;  
– касб касаллиги бўйича ногиронлар;  
– болаликдан ногиронлар;  
– 16 ёшгача бўлган ногиронлар ва бошқалар.

Ногиронларнинг протез-ортопедия маҳсулотларига муҳтожлиги тўғрисидаги хулосалар амалдаги қонунчиликка асосан турар жойдаги ТМЭКлар томонидан берилди. ТМЭКлар томонидан бериладиган ху-

дек, «Кўшимча манзил-ли ижтимоий ёрдамга муҳтож ёлғиз, кекса пенсионер ва ногирон» деб тан олинган учун бир нечта шартларга жавоб бериш талаб этилади.

1. Шахс пенсия ёшига етган бўлиши ва ундан ошган бўлиши керак. (аёллар 55, эркеклар 60 ёш) ёки ёшидан қатъий назар I ва II гуруҳ ногирони бўлиши керак.

2. Шахс алоҳида уйда, хонадонда, ётоқхонада ёлғиз яшаётган бўлиши керак.

3. Фарзандлари (жумладан, бокиб олган фар-

ёрдан 2000-2005 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоясини кучайтириш чора-тадбирлари Дастури асосида бюджет маблағи, корхона ва ташкилотлар, хайрият жамғармалари, нодавлат ташкилотлари ва бошқа ҳомиёлар маблағлари ҳисобидан молиялаштириш орқали, шунингдек, республикага келтирилётган инсонпарварлик ёрдами ҳисобидан амалга оширилади.

**САВОЛ: ишловчи пенсионерларга пенсия қандай тўланади? Шу ҳақда батафсил маълумот берсангиз**

**К.НУРИТДИНОВА, Тошкент шаҳри.**

**ЖАВОБ:** Амалдаги қонунчилигимизга биноан ишловчи пенсионерлар 50 фоиз пенсия олиш ҳуқуқига эгалар. Пенсионерларнинг айрим тоифаларига эса пенсиялар тўлиқ миқдорда тўланади:

– II жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари ҳамда уларга тенглаштирилган шахслар;

– I ва II гуруҳ ногиронлари, чернбилчиларга.

Шунингдек, тўлиқ пенсия олиш ҳуқуқи II жаҳон уруши йилларида ҳарбий мажбуриятларни бажарган ёки мамлакат ичкарисида ишлаганларга; фуқаролар йилгинлари ва маҳаллаларнинг нафақадаги раисларига, аёлларга: ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, провизорлар, ногирон болаларнинг интернат уйларида, «Меҳрибонлик» уйларидаги тарбиячиларга кутубхоначилар сифатида ишн давом эттириётган ва пенсияга чиқиш олдиндан мазкур мутахассисликлар бўйича қандамда 10 йил стажга эга бўлган аёллар.

Бундан ташқари, вақтинча 2 ойга тузилган меҳнат шартномаси билан ишлаган пенсионерлар ҳам пенсиясини тўлиқ миқдорда олиш ҳуқуқига эга. Шунингдек олган ҳолда пенсия тайинлангандан кейин ишга қираётган пенсионерлар иш беворчи билан келишилган ҳолда аввал вақтинчалик 2 ойлик меҳнат шартномасини тузиш имкониятига эгадирлар.

**БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ**

ИШОНЧА НАФ КЕЛТИРИШ

ОПИИ ВАХТ

лосага кўра туман (шаҳар, ижтимоий таъминот бўлимларида ногирон кўлига расмийлаштирилган маълумотнома берилди ва юритилган махсус рўйхатга асосан уларни «ортопедия реабилитацияси илмий ишлаб чиқариш корхонаси ва унинг Андижон, Қарши ҳамда Самарқанд филиалларига йўллашлари назарда тутилган.

**САВОЛ: биз эр-хотин пенсионерлармиз. Ёлғиз яшаймиз, қариндошларимиз йўқ. Ёлғиз пенсионер сифатида имтиёзларга эга бўла оламизми?**

**У.ИСОМИДДИНОВ, Ўзбекистон тумани.**

**ЖАВОБ:** Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 7 декабрда 520-сонли қарори билан тасдиқланган дастурга мувофиқ ёлғиз пенсионерларга кўшимча манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш назарда тутилган. Ушбу тартиб Адлия вазирлигида 2000 йил 23 февралда 900-сонли билан рўйхатга олинган ҳамда Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан 2000 йил 21 февралдаги «Ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга ижтимоий ёрдамни етказиш тартиби» билан амалга оширилди. Ушбу тартибнинг II бўлимида кўрсатилгани-

зандлари), ота-онаси, эри (хотини), қаровчиси, ҳомиёйи бўлмағлиги керак.

Агар кекса, пенсионер ёки ногирон – эр-хотин бўлиб бирга яшаётган бўлса ва қариндошлари бўлмаса ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган тақдирда уларга кўшимча ижтимоий ёрдам кўрсатилиши мумкин.

Кўшимча ижтимоий ёрдам кўрсатиш учун ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлар рўйхатга олинади. Рўйхатга олиш туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилади. Ёлғизларни рўйхатга олиш ва уларга кўшимча ижтимоий ёрдам кўрсатиш куйидаги ҳужжатлар асосида амалга оширилади:

– ёлғиз кекса, пенсионер ва ногироннинг аризаси ёки фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)нинг тавсияси;

– ёлғиз шахснинг яшаш шароити ва моддий ҳолатини ўрганганлик тўғрисидаги далолатнома;

– ёлғиз фуқаро уйда ижтимоий хизмат кўрсатишига муҳтож бўлган ҳолатда унга, унинг ўзгалар парваришига муҳтожлиги ҳақида ТМК ёки ТМЭК хулосаси, ижтимоий таъминот бўлими томонидан расмийлаштирилади.

Кўшимча ижтимоий

ражатларни қопловчи пул ўтказадилар. Бундай харажатларни ундиришга алоҳида тартиб назарда тутилган. Ушбу тартиб Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сонли (15-илова) қарорида тасдиқланган.

Мазкур тартибнинг I-бўлимида меҳнатда майибланганлик ёки касб касаллиги оқибати-

**ШУ ТЎҒРИМИ?**

тида ногирон бўлиб қолганларга пенсия тўлашда сарфланадиган харажатларни қоплаш тартиби кўрсатилган. Ушбу бўлимнинг I-бандига мувофиқ мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидан қатъий назар корхоналар ва ташкилотлар корхонанинг айби билан меҳнатда майибланиши ёки касб касаллиги оқибатида ногирон бўлиб қолганларга пенсия тўлаш харажатларини қоплаш учун меҳнат ҳақида мўлжалланган маблағлардан бюджетдан ташқари пенсия фонди ҳар ойда пул ўтказадилар.

Кўриб турибсизки, ходим шикастланиши оқибатида унинг соғлиғига етказилган зарарни қоплаш ва ногиронлик пенсиясини тўлаш учун келадиган харажатларни қоплаш ҳар хил тўловлар бўлиб, давлат томонидан айбдор бўлган корхонадан ундириб олинади.

**САВОЛ: Мустақилликдан илгари мукофотланган меҳнат фахрийларига, турли хил унвон ва нишон эгаларига қандай имтиёзлар бор?**

**Б.МИРАБДУЛЛАЕВ, Тошкент шаҳри.**

**ЖАВОБ:** ҳақиқатдан ҳам фуқароларнинг алоҳида хизматлари учун Ўзбекистон республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунининг 28-моддаси билан устамалар белгиланган. Ушбу моддада назарда тутилган устама-

**8 МИЛЛИОН СЎМЛИК ДАРСЛИК ҲОМИЁЛАР КЎМАГИДА ОЛИБ БЕРИЛДИ**

**Педагог ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатидан ҳимоялаш борасида Чирокчи тумани таълим ва фан ходимлари касабаси уюшма кўмитаси кўплаб хайрли ишларни амалга оширмоқда. Халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда бажарилаётган бундай тадбирлар «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Қарлар тейёрлаш Миллий дастури талаблари асосида таълим-тарбия сифати ҳамда самардорлигини оширишда қатта аҳамият касб этапти.**

Тармоқ касабаси уюшма кўмитаси ўз сафида 10650 нафар аъзони бирлаштирган. Уларнинг 6500 нафарини ўқитувчилар ташкил этади. Тармоқ ходимлари манфаатини ифодалаган маъмурият ва касабаси уюшмасидаги жамоа келишувининг бажарилишига муҳим эътибор қаратилмоқда. Хусусан, жамоа келишувидан мустақкам ўрин олган рағбатлантириш ва ходимларга моддий ёрдам кўрсатиш мунтазам равишда амалга ошириб келинмоқда. Мисол учун, жорий йилнинг биргина 6 ойи мобайнида 71 нафар кўмакка муҳтож ходимга қарийб 160 миңг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 65 нафар касабаси уюшма фаоли 225 миңг сўм маблағ билан рағбатлантирилди. Кўп йиллар соҳада самарали фаолият кўрсатган педагог ходимлар меҳнати ҳам касабаси уюшманинг муносиб баҳоланмоқда.

– Кўпни кўрган, малякали педагоглари мизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш муҳим йўналишларимиздан бири саналади, – дейди касабаси уюшмаси раиси Абдураҳим Хайдаюлов. – Шу боис нафақага кузатилган 61 нафар кексаларимизга 220 миңг сўмлик совғалар улашди. Самарқанд, Бухоро ва Тошкент шаҳарларидаги қадамжоларга уюштирилган уч кунлик саёҳат мобайнида қирққа яқин фахрий педагоглар иштирок этди. Бу мақсад учун 400 миңг сўм маблағ сарфланди. Хотира ва кадрлар к-




ларини дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш таълим самардорлигини оширишда қатта рол ўйнайди. Бу ўқувчи-ёшлар ва педагог ходимлар ўртасида спорт турларини оммавийлаштириш, соғломлаштиришга қатнашса бўлиб қўшилмоқда.

муассасаларида турли мусобақалар ўтказиш аниъанага айланган бўлмоқда. Бу ўқувчи-ёшлар ва педагог ходимлар ўртасида спорт турларини оммавийлаштириш, соғломлаштиришга қатнашса бўлиб қўшилмоқда.

**Камол ОЛЛОЁРОВ, «Ишонч» муҳбири.**

**И.ҲАСАНОВ олган суратлар.**



**ЭЛ ДАСТУРХОНИГА БАЙРАМ ШИРИНЛИКЛАРИ**

Мамлакатимиз бозорида шириндан-шакар қандолат маҳсулотларига талаб тобора ортиб бормоқда. Тошкент шаҳридаги «ТУФИН» Ўзбекистон-Исроил қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар чиройли, бежирим ҳамда харидорлиги билан аҳоли эътиборини қозongan.

Мазкур корхонада аҳолининг талаб ва тақлифлари, қолаверса, турли қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида маҳсулотлар тури 200 дан оширилди.

– Корхонамиз маҳсулотларига талаб юқори, – деди корхона раҳбари Эркин Мусаев ўза муҳбирига. – Маҳ-

сулотларимизни экспорт қилишни ҳам йўлга қўйдик. Бунинг учун бозорни, харидорлар дидини ўрганиб, шу асосда маҳсулот турларини кенгайтиришга ҳаракат қилаямиз. Корхонамиз ҳорининг замонавий дастгоҳлари билан жиҳозланган.

(ЎЗА).

**САВОЛ: ишда шикастланиш оқибатида ногирон бўлиб қолган ходимга корхонамиз соғлиққа етказилган зарар учун тоовон пули тўлайди. Шу билан бирга ногиронлик нафақаси учун ҳам ижтимоий таъминот бўлимига пул ўтказмоқдамиз. Шу тўғрими?**

**А.ЮСУФОВ, Амударё тумани.**

**ЖАВОБ:** Меҳнат Кодексининг 189-моддасида иш беворчининг ходим соғлиғига етказилган зарарни тўлаш мажбурияти кўрсатилган. Ушбу моддага кўра ходимнинг соғлиғига меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки ўз меҳнат вази-фаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши сабабли етказилган зарарни иш беворчиси (яъни ходим ишлайётган корхона) тўлиқ ҳажмида тўлаши шарт.

Тўлашни лозим бўлган зарар жабрланувчининг яъни шикастланган ходимнинг меҳнатда майиб бўлишига қадар олган ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 50% сифатида, унинг меҳнат қобилиятини йўқотганлик ҳаражасига мувофиқ белги-ланадиган даро ойлик тўловдан, соғлиғига шикаст етиши билан боғлиқ кўшимча харажатларнинг компенсациясидан ва айрим ҳолларда – бир йўла бериладиган нафақа тўлашдан иборатдир.

Шикастланган ходим ногирон бўлганлиги туфайли ногиронлик пенсиясини олиш ҳуқуқига эга: «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунининг 66-моддасига кўра, тайинланган пенсияларни тўлаш бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Корхоналар ва ташкилотлар корхонанинг айби билан меҳнатда майибланиш оқибатида ногиронлик учун тайинланган пенсияларни тўлаш учун иш ҳақи тўлашга мўлжалланган маблағлар ҳисобидан бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига ха-

**Шарҳловчи минбари**

**ЖАНУБИЙ КОРЕЯНИНГ ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТИ**

Жанубий Кореяда президент сайлови бўлиб ўтди. Миллий сайлов комиссиясининг расман маълум қилишича, Янги минг йиллик демократик партияси вакили, 56 ёшли Но Му Хен энг кўп овоз олиб, мамлакатнинг янги президенти бўлди. У келаси йил 25 февралдан мазкур вазифани бажаришга киришади.

Но Му Хен номзодини сайловчиларнинг 48,9 фоиз қўллаб-қувватлади. Муҳолифатдаги Буюк мамлакат иқтисодиётининг ҳар йили 7 фоизга ўсишини таъминлаш зарурлигини таъкидлади. Бу борада у иқтисодиётни эркинлаштириш, йирик корпорация ва молия соҳаларида ислохотлар ўтказиш, аҳолининг кам даромадли қисмига кўпроқ эътибор қаратиш зарурлигини айтиб ўтди.

Иккинчи бор мағлубиятга учраган 63 ёшли Ли Хе Чан катта сиёсатни тарқ этишини маълум қилди. Унинг президент бўлиш орзуси рўйбга чиқишига атиги 570 миңг овоз етмади.

президентнинг нияти Шимолий Кореяга нисбатан илиқ муносабатда бўлиш борасида президент Ким Дэ Чжун юритаётган сиёсатни давом эттириш. Шунингдек, у Шимолий Кореянинг ядровий дастури билан боғлиқ муаммони мулоқотлар йўли билан ҳал этиш ҳамда Корея ярим оролида юзгага келган кескин вазиятни юмшатиш борасида сўбатқамлик билан сиёсат юритишни маълум қилди.

Иқтисодий соҳага тўхта-лар экан, Но Му Хен мамлакат иқтисодиётининг ҳар йили 7 фоизга ўсишини таъминлаш зарурлигини таъкидлади. Бу борада у иқтисодиётни эркинлаштириш, йирик корпорация ва молия соҳаларида ислохотлар ўтказиш, аҳолининг кам даромадли қисмига кўпроқ эътибор қаратиш зарурлигини айтиб ўтди.

Иккинчи бор мағлубиятга учраган 63 ёшли Ли Хе Чан катта сиёсатни тарқ этишини маълум қилди. Унинг президент бўлиш орзуси рўйбга чиқишига атиги 570 миңг овоз етмади.

Шундай бўлса-да, кекса сиёсатчи ўза мағлубиятини мардларча тан олиб, халқ хоҳиш-иродасига амал қилишни таъкидлади. Ли Хе Чан сайловчилардан ўзига билдирган ишончни оқлай олмагани учун узр сўраб, янги президентлик миллат ва давлат манфаатлари учун сидқидилдан хизмат қилишни тилади.

Жанубий Кореяда бўлиб ўтган сайловни халқаро ҳамжамият ҳам диққат билан кузатиб бори. Зеро, Корея республикаси тараққи этган давлатларнинг бири ҳисобланиб, халқаро майдонда нуфузи баланд. Бинобарин, мазкур мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий барқарорлик минтақа барқарорлигини таъминлашга ҳам илҳомий таъсир этади. Шу боис йирик давлат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари Ким Дэ Чжуннинг издоши саналаётган Но Му Хенни ғалаба билан табрикламоқда.

**Саидмурод РАХИМОВ, Ўза шарҳловчиси.**



Кувасой шаҳар Кўприкбоши маҳалласида истикомат қилаётган Ачахон ая Назаровани кўпчилик бахтли аёл, дея таърифлашади. Боиси 8 фарзанд, 40 нафар набирани бағрига олиб, саодатли ҳаёт кечираётган онахон мустақиллик шарофати ила ўз орзусига эришди. Фарзандлари халқ ҳўжалигининг турли тармоқларида ҳалол меҳнат қилиб, Назаровлар сулоласини улуглашмоқда.

— Инсон борки, ҳамиша эзгуликка интилиши, фарзандларига касб-хунар ўргатиши зарур, шундагина эл-юрт ўртасида юзи ёруғ бўлади, — дейди Ачахон ая.

Ш.АКРАМОВ олган сурат.

# ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ



ҚИШ ЗИЙНАТИ

С.ШАВКАТОВ олган сурат.

## Биласизми? ТАҚВИМЛАР

Дунё халқлари турли тақвимлардан фойдаланиб келадилар. Улар қандай календарлар?

Турли даврларда уч хил тақвим яратилган эди. Булар бош ёритгич— куёш ҳаракатига асосланган. Куёш, Ой ҳаракатига асосланган Ой ва нихоят Ой-Куёш календарлари-дир.

Ҳозирги кунда дунёдаги деярли барча давлатлар куёш тақвимида фойдаланадилар.

Ой календари қадимги динларда катта ўрин тутган эди. У ҳозир ҳам айрим Шарқ мамлакатларида сақланиб қолган. Унда ойлар 29 ва 30 кундан иборат бўлиб, кунлар сони шундай ҳисобда алмашилиб туради.

Ой-куёш тақвимида яҳудийларда диний байрам кунларини аниқлаш учун фойдаланилади.

Акбар АЛИЕВ.

## Санъат ХОРАЗМ ЛАЗГИСИ

«Хива нақшлари» ашула ва рақс халқ ансамбли ташкил этилганидан буён ўтган 25 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида кўпгина созандаю хонандалар ўз истеъдодларини синовдан ўтказдилар.

Бугунги кунда жамоада ҳам устоз санъаткорларнинг ажойиб анъаналарини изчил давом эттириб эл назарига тушиб келаётган ўткир нафас эгалари оз эмас. Қўшиқчилик фанларини ихлос ила бошлаган ёшлар К. Отаниёзов, О.Худойшукуров, Ҳ.Болтаев сингари санъаткорларимиз куйлаб ўтган ашулаларни янги талқинда ижро этиб келмоқдалар.

1977 йилда «Олтин қўллар» номи билан ташкил топган ансамбл 1992 йилдан «Хива нақшлари» деб юритила бошлади. Қарийб 13 йилдирки, жамоага Равшан Матқубов раҳбарлик қилади. Ҳар бир хонанда, созанда, раққос-раққосаларнинг маҳорати, уларнинг ижроси ансамбли бадиий камолот сари етаклаб боришини устоз яхши билади. Шу боис, ҳар қайси ёш санъаткорга касб сирларини ўргатиб, алоҳида иш олиб боришдан асло эринмайди. Ижрочилик ва мусиқа уйғунлигида хушовоз хонандалар Оғаберди Юсупов, Шихназар Қурбонов, Нодирбек Машариповлар ижросидаги классик ва замонавий қўшиқлар тингловчилар қалбини завқ-шавққа тўлдираётгани ҳам бежиз эмас.

Балетмейстер Рохатой Авезова саҳналаштирган қайроқчи раққос Юсупбой Юсупов, раққосалар Мўътабар Жуманиёзова, Лайло Тўраевалар товусдай товланиб рақсга тушганларида дил яйрайди.

Шунингдек, Хоразм халқ лапарлари, достонларини битта гармон ва доирада ўзига хос жозиба билан ижро этаётган қизлар гуруҳининг санъатидан нафақат вилоятдаги, балки республика миқёсидаги турли жойларида яшаётган санъат ижросмандлари ҳам баҳраманд бўлиб келмоқдалар. Яқинда ансамбл жамоаси Туркия ва Жанубий Кореяга ижодий сафар қилиб бир неча кун ўз санъатларини намойиш этиб қайтди.

Исми жисмига монанд жозибакор «Хива нақшлари» ансамблига бундан икки йил олдин «Халқ ансамбли» мақоми берилган эди. Бундан руҳланган жамоа санъаткорлари ўз ижодларини янада гуллайтиб, халқимизга беиннат хизмат қилиш йўлида астойдил бел боғлаганлар.

Роза САЙДАХМЕДОВА.

## Табиат ва инсон

### «ҚАНОТЛИ АЙИҚ» ҲАҚИДА УЧ ҲИКОЯТ

**Жўри қушни кўрганмисиз? Тоғда яшовчи халқ уни «қанотли айиқ» ёки «айиқ қуш» дейишади. Дарҳақиқат, гоят кўпол, вазни эллик-олтмиш кило тош босадиган бу қанотли махлук кўринишининг ўзбек хайбатли. Қанотларини кенг ёйиб жойидан кўзгалганида борми, вертолётнинг нақд ўзгинаси. Жисми улканлигига қарамадан ақли заиф бу парранда ҳақида кўплаб ривоятлар тўқилган.**

Бу қуш ҳақида мен дастлаб Чаноч қишлоғида эшитганман. Чаноч Чотқол тизмаларига тирмашган боглар қуршовидаги қишлоқ. Тегиримонтош адирлигига чиқиб назар солсангиз, Чаноч теваарағида юксалган тоғларни кўрасиз. Кунчиқар ёқда Ўнгор, жануб томонда Бўспу, ундан сал нарида Чотқол тизмаларига кирувчи Катта Серка ва Кичик Серка. Қишлоқ ўртасидан ҳайқириб ўтган сой ҳам Чаноч номи билан юритилади. Суви биллурдек тиниқ, тошдан-тошга урилиб қимиздек пишган сой суви минг бир дардга даво эмиш. Ана шу оби ҳаёт тармоғи қирғоғида ёнбошлаганимизча маҳаллий овчи, қотма гавдали Аҳмад қушни сўзларини тинглаймиз.

«Айиқ қуш»ни ҳамма ҳам кўра бермайди, унга кўпинча тажрибали овчилар дуч келишади, — дея хикоясини бошлади Аҳмад. — Сабаби, бу парранда кўздан йироқ, хилват гўшаларда, тоғ дараларида ҳаёт кечиради. Жўри қуш салобатининг ўзи ҳайвонлар ва паррандаларга даҳшат солади. Сурон билан парвозга кўтарилганида, баъзи паррандалар сичқон инини «ижарага олишади». Дастлаб дуч келганимда мен ҳам тарракдек қотиб қолганман. — Аҳмад қушни ўша воқеани эсларкан, қорамтир ёноқлари қизғиш тусга кирди. — Отам билан овга чиқиб милтиқ

ушлашга қўлим келиб қолганди. Бир сафар отам йўқлигида онамга билдирмасдан уйдан аста сирғалиб чиқдим. Милтиқни елкамга осиб, Чаночсой ёқалаб юқорига кўтарилдим.

Гоҳо, истаганингизнинг акси бўлади, овга чиқсангиз жигингизга тегмоқчидай чумчуқ ҳам учрамайди. Ушанда ҳам худди шундай бўлди. Бунинг устига тушга бориб кўк юзини булут қоплади. Бўспуда булут ўрмаладими, бўшанмасдан қўймайди. Қоя панасига етмасимдан челақдан куйгандек ёмғир шаррос қуйиб берди-ку!

Нихоят, «Мироб ота» дулдулини ҳайдади. Мен турган тоғ тепаси ёришиб офтоб чарақлади. Энди момақалдирок анча пастда, булутлар пахтадек ёйилган водий тарафда гўмбурларди. Қоя панасидан чиқдим. Жунжиккан баданимга қуёш тафти мойдек ёқарди. Қўлларимни қанотдек ёзганимча керишганимни биламан. Шундоқ ёнгинамдан, мен турган қоя қиррасидан, қулоғимнинг тақинасидан «Ғақ» деган даҳшатли овоз келди. Бундай товуш қанотли жонзотларгагина хос, албатта. Ишонганимча, фақатгина бирон-бир қуш уй мўрқонига кириб ёки ёввойи махлук паррандаларни масхаралаб шундай тарзда қағиллаши мумкин. Сесканганимча ёнимга ўгирилдим. Шу заҳоти бутун вужудимда минглаб чумоли ўрмалагандек бўлди. Мендан атиги уч-тўрт одимча нарида, ҳатто тушда кўрсангиз ҳам этингиз жимирлашадиган баҳайбат мах-

лук ҳайкалдек қотиб турарди. Қиёфаси қушга ўхшашлигини айтмасангиз, ўртамиёна бузоқ билан тенглашади. Кўзлари бойўғлиники сингари ююмалок, олдинига бироз туртиб чиққан. Тумшугининг учи бургутникидан калтарок. Думи қарганикига ўхшаб кетади. Имоним комилки, эмаклайдиган икки гўдакни устига миндириб қўйсангиз «миқ» этмасдан кўтариб учади. Ёнламасига тургани учунми мени кўрмас, пастдаги жарлик тубига тикилганди. Ҳар замонда қағиллаб кўярди.

Қушга қарайману бутун умри овчилик билан ўтган бобомнинг хикояларини эслайман, Жўри қушга дуч келганлигимни сезиб, панжаларига синчилаб кўз ташлайман. Бу қуш тўғрисидаги турли-туман олди-қочди гапларга ана шу панжалари сабаб, ахир. Ажабо, лочин ва бошқа йирткич паррандаларда панжа учигаги тирноқлари ўткир, пичоқдек кескир бўлади. Кекса овчилар таъкидлашганидек, югуриб кетаётган бўри устига ташланган бургут хужум чоғида темирчангакка айланадиган тирноқлари билан қашқардек бақувват ҳайвон белини синдириб юборар экан. Бунинг оёқлари эса ўрдақни-кига ўхшаш. Тирноқдан асар йўқ. Шу боисдан Жўрининг келбати ҳайбатли кўрингани билан хужумга ноқобил, ўлимтик ҳисобига кун кечиради. Қушга тикилгану бобомнинг қуш тилидан тўқилган қўшиғи ёдимга тушади:

**Мен жўриман, жўриман, Қушларнинг энг зўриман. Тирноқларим йўқ учун Улар ичра хориман.**

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ.**  
(Давоми бор)

## Пазанда маслаҳати

### ТУРПЛИ САЛАТ

1 та кичикроқ турп, 1 та кичик пиёз, 80 грамм ўсимлик ёғи, 1 та помидор ёки 1 қошиқ томат.

Турпнинг пўстини артиб, майда сомонча шаклида тўғрайсиз. Товоқда қизиқ турган ёғда пиёзни қовуриб, унга томат ёки помидор қўшиб, яна озгина қовурасиз. Оловни ўчириб, товоққа турп ва тузни соласиз-да, устини ёпиб қўясиз. Тайёрланган масаллик сал совуганидан кейин кашнич уруғи ва таъбингизга қараб уксус қўшиб, дастурхонга тортасиз.

Акбар АЛИЕВ.

### НИМ ТАБАССУМ

— Тушга пул кирмаслиги учун нима қилиш керак?  
— Камроқ ухлаш керак

— Эрни ўтин ёришга мажбур қилиш мумкинми?  
— Мумкин. Фақат бунинг учун аввал уни арралаш керак.

— Қачон турмушга чиққан маъқул?  
— Бўлажак қайлигининг омонат дафтарчасини кўргандан кейин.


— Қандай овқатланиш яхши: кўп марта оз-озданми ёки оз-оздан кўп мартами?  
— Бир марта — эрталабдан кечгача...

— Ақлли одамни донадан қандай фарқлаш мумкин?  
— Ақлли одам мураккаб вазиятдан қандай чиқиб кетишини билади, доно эса бундай аҳволга тушмайди.

— Кўнгилни нима иситиши мумкин?  
— Кимгадир сендан ҳам ёмон эканлигини англаб етиш.

— Бир кўришдаёқ севиб қолишдан қандай қилиб қутилиш керак?  
— Иккинчи марта кўриб...

— Ким бўлган яхши — аҳмоқми ёки буқри?  
— Аҳмоқ бўлган яхши, чунки унчалик кўзга ташланмайди.



### АЙЛАНМА КРОССВОРД

**Белгиланган хонадон рақам атрофига соат мили йўналишида:**

- 1. Мукаммал луғат нашри. 2. Қимматбаҳо, рангли металл. 3. Чопқир от зоти. 4. Бинонинг олд томонидаги кўркам юқори қисми. 5. Вилоят маркази. 6. Уйғониш даври Венеция мактабининг вакили, италяян рассоми. 7. Европадаги давлат пойтахти. 8. Олтаргил, човқар от. 9. Пазлиз экини. 10. Вазн ўлчови асбоби. 11. Австр

- ралия пул бирлиги. 12. Зеб-зийнат буюмлари хунарманди. 13. Геометрик шаклнинг нуқтаси. 14. Спорт ўйини. 15. Оғирлик ўлчов бирлиги. 16. Кунчиқар давлат пойтахти. 17. Бирор нарсанинг меъёрланган миқдори. 18. Илк ҳосил. 19. Муқаддас шаҳар. 20. Хисоб илмидаги топшириқ. 21. Асарни ҳар тарафлама ўрганиш. 22. Кимёвий элемент. 23. Эшиқнинг очилиб-ёпиладиган бўлағи. 24. Билим олувчи. 25. Инъом, совға. 26. Зарб билан уриш асбоби. 27. Оҳанг, куй. 28. Бадиий асарда ўхшатиш, маъжоз.

29. Торли мусиқа асбоби. 30. Марказий Осиёдаги диат текислик.

### ДИАГОНАЛ КРОССВОРД

- Ўнгла: 31. Санъат тури. 33. Экинзор. 37. Самолёт, кема зинаси. 40. Инок, тоғтўв. 42. Абу Али ибн Сино асарлари ёзиб қолдирилган тил. 43. Эртага тонг. 44. Электрод. 45. Дўппи, тўннинг четиға тикиладиган тасма.

**Чапга:** 32. Куч ўлчови бирлиги. 34. Баҳор гули. **Диagonal бўйича ва бўйига:** 33. Дилкаш, кўнгил яқин киши.

- 34. Рангдор қимматбаҳо тош, заргарлик ашёси. 35. Вулқондан отилиб чиқувчи чўғсимон модда. 36. Утишда китоб ўқилган мослама.

**Бўйига:** 38. Динимиздаги фарзлардан бири. 39. Амударёнинг чап irmoғи. 40. Қадимда Европа мамлакатларида ҳисоб амалларини ечишда ишлатилган тахтақас асбоб. 41. Адабий, илмий асар яратиш.

### ЧАЙНВОРД

- 46. Сақичсимон, ёпишқоқ модда. 47. Теридан ишланган идиш. 48. Тошкентнинг қадимий номи. 49. Шохмўт донаси. 50. Шамсия йил ҳисобидаги ой номи. 51. Спорт анжуми. 52. Оғирлик ўлчови. 53. Гўзаллиқни ҳис этиш. 54. Дарахт. 55. Асар қисми. 56. Мевазор ва гулзор маскан. 57. Парранда. 58. Катта хона. 59. Мусиқа товушларининг ўзаро алоқа тизими. 60. Инжу. 61. Европадаги пойтахт шаҳар. 62. Металл. 63. Рақам. 64. Энг азиз неъмат. 65. Араб алифбосидаги харф. 66. Нарсаларнинг тури. 67. Туркиядаги кўл. 68. Суви йўли. 69. Дунда ирмоғи. 70. Сўзлар воситасидаги фикр. 71. Парранда аъзоси. 72. Хўл мева. 73. Пазандлик ва саноатда ишлатиладиган кимёвий бирикма. 74. «Шохнома» достони қаҳрамони. 75. Болтиқ бўйидаги республика пул бирлиги. 76. Урқачли жонивор. 77. Индонезия таркибидagi орол. 78. Қадимий давлат пойтахтидаги қаср. 79. Осмон, само. 80. Немис микробиолог олими. 81. Қулоччилик маҳсулоти, идиш.

**Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.**